

ҲАЙНЦ ЭРҲАРДТ

ЯНА ШЕЪРИЯТ

Немисчадан Ойбек Останов таржимаси

«Наврўз» нашриёти
Тошкент – 2012

МУНДАРИЖА

Ҳайнц Эрҳардт	Балиқхўрлик
Тарихий воқеа	Ниначи
Ғижжакчи	Шоир ва қафас
Раққоса	Бобоникида
Тўртликлар	Абадий ҳаракат – перпетум мобайл
Хонанда аёл	Баҳорнинг меҳр қўшиғи
Фю-фю, чий-чий	Болаларга алла
Анҳор - дер Бах	Бувилар қўшиғи
Чумчуқ	Ота алласи
Менинг холам	Тоғ
Асалариларга	Мувозанат
Сигир	Дунёни англаш
Бел ами	Ғўнғиллоқ пашша
Болакай ва шамоллаб қолган қўнғиз	Q ҳарфи
Бева қурт	Вақт ўзгаришидаги миршаблар
Инсонпарварлик	Бетховеннинг жасади
Дока рўмол қуриши	Ҳақиқат
Марҳум итим	Менинг дўстим
Кайфиятсиз фил	Хонбалиқ
Бир ҳамкасбга	Ўрдак яхши - ҳаммаси яхши
Тунги қўшиқ	Гумон
Сийраклашган ҳаво	Ёмғир чувалчанги
Укки	Икки қурвақа
Балиқча	Хомхаёл
Қирол эрл	Асосий ютуқ
Қоқигул	Пианиначи
Дераза	Шаҳардаги ой
Қизиқиш	Чайқовчига
Мушукхоним	Мусулмоннинг эртаги

Чивин	Тезкор умр
Қулф	Чўл қўшиқлари
Капалак	Митти қушча
Томдаги мушук	Сайроқи қуш
Баҳор	Гулча
Тўшама ғишт	Чумчуқ
Мисра	Ибтидоий ўрмонда таътил
Камситиш	Халқ лапар
Телевидение	Сичқонча
Танҳоликда	Мерган
Танаффус	Вилҳелм теллинг ўқи
Кўкдаги пишлоқ	Ебтўймасга
Ролфга	Футбол
Интилиш	Шарф ва тутун
Тўртликлар	Қишни алдаш
Туш	Эстонияча баллада
Шанба оқшоми	Колумб
Қабр бошидаги нутқ	Лампачироқ
Орзу	Пасха шеъри
Уч сурат	Мавсум
Балиқчи	Рождество
Иқрор	Бурун
Пессимистга	Кўзлар
Замонавий симфония	***
Ашула тўгараги	Хушбўй ифор
Қуш ва дарахт	Шафқатсиз тақдирлар
Хўкиз	Вақт мароми
Болтиқ бўйидаги ўйлар	Сўнгсўз
Тушкунлик	
Буюклик	Таржимон ҳақида

HISTORISCHES

Vom Alten Fritz, dem Preußenkönig,
weiß man zwar viel, doch viel zu wenig.

So ist es zum Beispiel nicht bekannt,
dass er die Bratkartoffeln erfand!

Drum heißen sie – das ist kein Witz –
Pommes Fritz!

ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Пруссия қироли, кекса Фритц ҳақида,
хотиралар кўп эмас, бу халққа хос ақида.

Қилган барча ишлари бир-биридан пурмаъни,
ҳеч ким билмас у топган картошка қовурмани.

Ҳамма уни беҳазил Поммас Фритц¹ дейишар!
Қовурма картошкани мазза қилиб ейишар.

¹ Поммас фри – қовурилган картошка қаламчалари. Муаллиф кўпгина шеърларида бир жумладаги ҳарфни тушириб қолдириб ёки ўзгартириб, сўз маъносини ўзгартирган ва ана шундай сўз ўйинлари қилган.

DIE MADE

Hinter eines Baumes Rinde
wohnt die Made mit dem Kinde.

Sie ist Witwe, denn der Gatte,
den sie hatte, fiel vom Blatte.
Diente so auf diese Weise
einer Ameise als Speise.

Eines Morgens sprach die Made:
"Liebes Kind, ich sehe grade,
drüben gibt es frischen Kohl,
den ich hol. So leb dann wohl!
Halt, noch eins! Denk, was geschah,
geh nicht aus, denk an Papa!"

Also sprach sie und entwich. –
Made junior aber schlich
hinterdrein, doch das war schlecht!
Denn schon kam ein bunter Specht
und verschlang die kleine fade
Made ohne Gnade. Schade!

Hinter eines Baumes Rinde
rief die Made nach dem Kinde...

БЕВА ҚУРТ

Кенг дала чорбоғида бир дарахт пўстлоғида,
бева қурт яшар эди, ошини ошар эди.

Емиш топай деб ёри,
севимли вафодори.
Баргдан йиқилиб ўлди,
чумолига ем бўлди.

Барра карам топай деб,
болажоним боқай деб
бева қурт йўлга юрди,
боласига уқтирди:
«Пўстлоқдан нари чиқма,
ҳар томонга бош тикма,
эсла, отанг не бўлди!
Баргдан йиқилиб ўлди!»

Қулоқсиз гапга кирмай,
ўрмалади билдирмай;
қизилиштон қуртни тутди,
бир зумда ямлаб ютди.

Бир бева қурт бўзларди,
боласини изларди...

NÄCHSTENLIEBE

Die Nächstenliebe leugnet keiner,
doch ist sie oft nur leerer Wahn,
das merkst am besten du in einer
stark überfüllten Straßenbahn.
Du wirst geschoben und musst schieben,
der Strom der Menge reißt dich mit.
Wie kannst du da den Nächsten lieben,
wenn er dir auf die Füße tritt?!

ИНСОНПАРВАРЛИК

Ҳеч кимга ёт эмас инсонпарварлик,
аммо алдаб қўяр баъзан бу ёрлик,
тирбанд трамвайга чиққан паллада
бу сўздан асар ҳам қолмас каллада.
Туртинар – суртинар тирбанд оломон
Сени судраб кетар ўнгу-сўл томон,
қандай инсонпарварлик бор бу дамда,
оёғингни биров босиб турганда?!

DAS STECKENPFERD

Der eine liebt Konkretes nur,
der andre das Abstrakte,
der dritte schwärmt für die Natur
und deshalb für das Nackte.
Der vierte mag nur Fleisch vom Schwein,
der fünfte Milch und Eier,
der sechste liebt den Moselwein,
der siebte Fräulein Meier.
Für jeden gibt es was von Wert,
für das er lebt und streitet,
und jeder hat sein Steckenpferd,
auf dem er immer reitet.

ҚИЗИҚИШ

Ҳар одамда ҳар хил қизиқиш:
кимдир буюм билан оввора,
кимдир мойил мавҳум майлга,
кимга борлиқ завқи ошкора.
Бири фақат тўнғиз гўштин ер,
сут-тўхумга бири чўкар тиз,
бири майни хушлар, бирига –
ёқар Майер деган ойимқиз.
Шундан маъно топади башар,
шунинг учун курашар, яшар,
шундан ҳар кимники ўзига,
дерлар, ой кўринар кўзига.